

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
DSc.27.06.2017.Qx.13.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**РАХМАНКУЛОВ МУРОД САИД-АКБАРОВИЧ**

**СЕЛЕКЦИЯНИНГ ЯНГИ УСУЛЛАРИ АСОСИДА ҒЎЗАНИНГ *G.  
HIRSUTUM* L. ТУРИГА МАНСУБ ТЕЗПИШАР, ЮҚОРИ ҲОСИЛЛИ  
НАВ ВА ТИЗМАЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Раҳманкулов Мурад Саид-Ақбарович**

Селекциянинг янги усуллари асосида ғўзанинг *G. hirsutum* L. турига мансуб тезпишар, юқори ҳосилли нав ва тизмаларини яратиш ..... 3

**Раҳманкулов Мурад Саид-Ақбарович**

Создание скороспелых, высокопродуктивных сортов и линий хлопчатника вида *G. hirsutum* L. на основе новых методов селекции ..... 25

**Rakhmankulov Murod Said-Akbarovich**

Developing of early matured, highly productive cotton varieties and lines of the species *G. hirsutum* L. on the base of new methods of breeding ... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
DSc.27.06.2017.Qx.13.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**РАХМАНКУЛОВ МУРОД САИД-АКБАРОВИЧ**

**СЕЛЕКЦИЯНИНГ ЯНГИ УСУЛЛАРИ АСОСИДА ҒЎЗАНИНГ *G.  
HIRSUTUM* L. ТУРИГА МАНСУБ ТЕЗПИШАР, ЮҚОРИ ҲОСИЛЛИ  
НАВ ВА ТИЗМАЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Qx2 рақам билан рўйхатга олинган.**

---

Докторлик диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий  
маслаҳатчи:**

**Ким Роберт Григорьевич**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

**Расмий  
оппонентлар:**

**Ризаева Сафия Мамедовна,**  
биология фанлари доктори, профессор

**Эргашов Иброхим Тошкентович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Массино Игорь Всеволодович,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг «19» июл 2017 йил соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2 уй. ТошДАУ. Тел.: (99871) 260-48-00, факс: (99871) 260-48-00, e-mail: tuag-info@edu.uz).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (532680-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2 уй. Тел.: (99871) 260-50-43, факс: (99871) 260-48-00.

Диссертация автореферати 2017 йил «07» июл куни тарқатилди.  
(2017 йил «06» июлдаги 1.1-рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Сулаймонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
б.ф.д., профессор

**Я.Х.Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, қ.х.ф.н.

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда пахтачиликни ривожлантиришида серҳосил, тола сифати юқори, тезпишар, ташқи муҳитнинг ноқулай омилларга бардошли бўлган ғўза навларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Дунё миқёсида пахта етиштиришнинг жами 75 % 5 та давлатга – Ҳитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон ва Ўзбекистонга тўғри келади. International Cotton Advisory Committee (ICAC) хабар қилишича 2017 йилда дунёда пахтани етиштириш миқдори 4 % га ошади ва 23 млн. тоннага, экин майдони эса 1 % кўпаяди ва 31,3 млн. гектарга етади. Пахта ҳосилдорлигини 4 % га оширилиши ва гектарига 732 кг бўлиши кутилмоқда<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда ғўза ўсимлиги учун вегетация даври қисқа бўлганлиги сабабли олимларимиз тезпишар ғўза навлари селекцияси бўйича дунёда етакчилик қилиб келмоқда. Шу билан бир қаторда, тола сифат кўрсаткичларининг юқорилиги бўйича Ўзбекистонда етиштирилаётган ғўза навлари дунё бозорида ўз ўрни ва юқори мавқега эга. Жумладан, ғўзанинг “Бухоро-6” ғўза нави Англиянинг Ливерпул биржасида тола сифати бўйича эталон-андоза сифатида қабул қилинган. Республикамизда охириги йилларда бир қатор тезпишар, ҳосилдор, тола сифати юқори, касаллик ва зараркунандаларга бардошли бўлган ғўза навлари яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Олимларимиз кўп йиллик изланишлар натижасида тола чиқимини 28-32 фоиздан 37-40 фоизгача, узунлигини 26-28 мм дан 33-35 мм гача, битта кўсақдаги пахта вазнини 4-5 граммдан 6,5-9,0 граммгача оширишга эришдилар<sup>2</sup>.

Дунёда аҳолини сон жиҳатдан ошиб бориши, экин майдонларини эса қисқариши сабабли қишлоқ хўжалик экинлар ҳосилдорлигини ва ҳосил сифатини оширилишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ушбу вазифаларни амалга оширишда сўнгги илмий ютуқларга асосланган селекциянинг янги усуллари кўллаб, жумладан, биотехнология, биокимёвий ва молекуляр маркерларга асосланган селекция ёрдамида янги навларни яратиш жараёни икки-уч мартагача қисқартирилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги ва «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2016 йил 1 февралдаги «Ўза навларини жойлаштириш ва пахта ҳосили етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг уруғчилик соҳасидаги сиёсати тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян

<sup>1</sup> <http://www.hlopok.info/>, <https://rns.online/economy/>

<sup>2</sup> «Пахтачилик маълумотномаси», 2016.

даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** Янги селекцион услубларини қўллаб, ташқи муҳитнинг турли экстремал омилларига чидамли ғўза навларини яратиш бўйича илмий изланишлар етакчи хорижий илмий марказлар ва олий таълим муассасалари, жумладан, Agricultural Research for Development - CIRAD (Франция), United States Department of Agriculture (USDA), Agricultural Research Service (ARS), University of Texas (АҚШ), Institute for Cotton Research of Chinese Academy of Agricultural Sciences (Хитой), CSIRO-Commonwealth Scientific and Industrial Research Organization (Австралия), Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), Monsanto Company (АҚШ)<sup>3</sup>, Қозоғистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти (Қозоғистон), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилган.

Ташқи муҳитнинг айрим экстремал омилларга бардошли навлар селекциясига оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: вилт касаллиги билан боғлиқ бир нечта ДНК маркерлари аниқланган (California University, АҚШ); вилтга чидамли ғўза навларини яратишда МАСнинг ДНК усуллари қўлланилиб, янги навлар яратилган (United States Department of Agriculture, Agriculture Research Service); айрим қимматли-хўжалик белгиларни белгиловчи оксил маркерлари аниқланган (Central Institute for Cotton Research); генотиби ўзгартирилган (ген модифицирланган) ўсимликлар яратилган (Monsanto Company); ташқи муҳитнинг айрим экстремал омилларига чидамли бўлган ғўза навлари яратилган (Commonwealth Scientific and Industrial Research Organization); ғўзани тезпишар, тола сифати юқори ва Fusarium вилтига чидамли навлар яратилган (Agricultural Research for Development, Institute for Cotton Research of Chinese Academy of Agricultural Sciences); ёввойи ва ярим ёввойи намуналардан фойдаланиб ғўза навлари яратилган (Texas A&M University, Америка Қўшма Штатлари Қишлоқ хўжалик Департаменти).

Дунёда ғўза селекциясида пахта ҳосилдорлиги ва тола чиқими юқори, қимматли хўжалик белгиларга эга, турли экстремал омилларга бардошли бўлган навлар яратиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: селекциянинг янги, жумладан, биотехнология, хужайра селекцияси, ген муҳандислиги каби усулларини қўллаб янги навларни яратиш, ҳар хил хромосомаларга эга бўлган ўсимликларни узоқ

---

<sup>3</sup> <http://www.cirad.fr/en>, <https://www.usda.gov/>, <https://www.ars.usda.gov/>, <https://www.utexas.edu/>, [https://www.caas.cn/en/administration/research\\_institutes/](https://www.caas.cn/en/administration/research_institutes/), <https://www.csiro.au/>, [www.cicr.org.in/](http://www.cicr.org.in/), [www.monsanto.com/](http://www.monsanto.com/)

дурагайлашида номутаносибликни бартараф этиш, навларда қимматли-хўжалик белгиларини белгиловчи маркерларни аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда ғўза бўйича жуда кенг миқёсдаги селекция ишлари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари ИТИ, ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Геномика ва биоинформатика маркази ва бошқа шу каби ташкилот ва муассасаларда олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига 20 дан ортиқ ғўза навлари киритилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги селекциянинг классик усуллари билан яратилган. Ноанъанавий усулларни қўллаш эса керакли белгиларга эга бўлган навларни қисқа муддатларда яратишга имкон беради. Ғўза селекциясида биотехнология муаммоларига А.А.Абдукаримов ва бошқ., И.Абдурахманов, С.А.Джатаев, А.Р.Азизходжаев, С.В.Лев ва бошқ., А.Э.Эргашев ва бошқа кўплаб олимларнинг ишлари бағишланган.

Ғўзанинг *G. hirsutum* L. турига мансуб *V.dahliae* ва *F.oxysporum* касалликларни қўзғатувчиларига бардошлилиги бўйича Н.Г.Запрометов, Р.Г.Ким, А.Марупов, В.А.Автономов ва бошқа кўплаб олимларнинг мақолаларида ҳамда А.Б.Амантурдиев ва Р.Г.Ким монографиясида ёритилган. Лекин, турли сабабларга кўра, ғўза ўсимликлари касалланишининг кучайиши ва патогенларнинг янги ирқларининг пайдо бўлиши селекционерлар олдига вилтга мажмуавий бардошли, қимматли-хўжалик белгилар мажмуасига эга бўлган янги навларни қисқа муддатларда яратиш ва амалиётга жорий этиш масаласини қўймоқда.

Ушбу муаммони молекуляр ва биокимёвий маркерларни қўллаб ечиш мумкинлиги А.П.Ибрагимов, С.Р.Рахманкулов, Д.А.Хашимов, Р.К.Шадманов, Ш.Юнусханов ва бошқа олимлар изланишларида ёритилган. Лекин, аксарият илмий манбалар бошқа экинларда молекуляр ва биокимёвий маркерларни ўрганишга бағишланган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, нафақат республикамизда, балки чел элда ҳам ушбу муаммо ҳали етарлича ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети ва Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг П-17.59-рақамли «Ғўзанинг қимматли хўжалик белгилари мажмуасига эга бўлган истиқболли тизмаларини такомиллаштириш ҳамда Давлат нав синовиға ва ишлаб чиқаришда кўпайтиришга бериш» (2003-2005 йй.), АҚШни Қишлоқ хўжалик Департаментининг Section-416 2S-рақамли «Ғўзанинг 4 та янги тизмаларини такомиллаштириш ва кўпайтириш ҳамда хлоридли шўрланишга бардошлилигига баҳо бериш (Л-1, Л-2, Л-3, Л-4)» (2005-2006 йй.), А-11-109-рақамли «Ғўзанинг илгари яратилган юқори мойли тизмалари асосида юқори тола чикими, сифати жаҳон бозори андозалари талабларига жавоб берадиган янги навини яратиш ва ДНС га топшириш» (2006-2008 йй.), ҚХА-9-045-

рақамли «Ғўзанинг шўрга чидамли, серҳосил «Умид» навини ва янги тизмаларининг (Л-5, Л-6, Л-7, Л-13) навдорлигини яхшилаш ҳамда Давлат нав синовиға тошириш» (2009-2011 йй.), ҚХА-9-049-рақамли «Ғўзанинг ҳосилдор, тола сифати ва чигит таркибида ёғ миқдори (20-22 %) юқори, вилтга бардошли тизмаларини меъёрига етказиб, Давлат нав синовиға топшириш» (2009-2011 йй.), ҚХФ-5-029-рақамли «Серҳосил, тезпишар, вертицеллез ва фузариоз вилтга комплекс бардошли трансгрессив ғўза навлари ва тизмаларини яратиш услубини биокимёвий ва молекуляр тестлар асосида ишлаб чиқиш» (2012-2016 йй.) илмий лойиҳалар доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ғўза каллус ҳужайраларига NaCl лик селектив озукалар таъсирини ўрганиш, селекциянинг ноанъанавий усуллар ёрдамида амфидиплоидларни олиш, молекуляр тестлардан фойдаланиб нисбатан гомозигот оила ва тизмаларни аниқлаш ҳамда тезпишар, қимматли-хўжалик белгилар мажмуасига эга бўлган тизма ва навларни яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ғўза тўқималаридан каллус ҳужайраларни интенсив ўстириш учун агарли озуканда фитогормонлар мақбул меъёрларини танлаш ва *in vitro* шароитида соматик эмбриоидогенезни олиб бориш;

ғўза каллус ҳужайраларининг ўсиши ва ривожланишига селектив озукалардаги хлоридли шўрланишнинг турли миқдорлар таъсирини аниқлаш;

NaCl лик шўрланиш бўйича стресс омилларга ҳужайраларнинг чидамлилиқ даражасини аниқлаш;

ғўза амфидиплоидлари ва уларнинг беккросс-авлодларини олиш ҳамда уларнинг авлодларида қимматли-хўжалик белгилар ҳамда толанинг технологик кўрсаткичларини аниқлаш;

бир хиллик, тезпишарлик ва вилтга чидамлилиқ бўйича молекуляр маркерларни аниқлаш;

*Verticillium dahliae* Kleb. ва *Fusarium oxysporum* f. sp. *vasinfectum* (Atk.) Snyder et. Hansen замбуруғларининг вирулент патогенлари билан инокуляция қилиш орқали ўсимликларнинг бардошлилигини аниқлаш;

селекциянинг янги усулларини қўллаб қимматли-хўжалик белгилар мажмуасига эга бўлган, тезпишар, вилтга чидамли нав ва тизмаларни яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида америка селекциясининг Сокер-312 ва маҳаллий С-6524, С-4727 навларидан ҳамда беккросс дурагайларидан фойдаланилди. Амфидиплоидлар ва уларни беккросс авлодлари узоқ, ҳар хил хромосомалар тўпламига эга бўлган тетраплоид ва диплоид турлар орасида олинди. Мураккаб беккросс дурагайларни олишда Омад, С-6530, С-8284 навлари ҳамда Т-030, TS-485, TS-489, TS-6592, TS-6593, TS-6594, TS-6595, TS-6596, TS-6598, TS-484 тизмалари иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети** селекцион манбаларни *in vitro* шароитида шўрланишга бардошлилигини аниқлаш, ғўза амфидиплоидлар ва уларнинг беккросс-авлодларини олиш; молекуляр тестлар асосида бошланғич авлодларда гомозигот, трансгрессив генотипларни аниқлаш; ўсимликларни

*V.dahliae* Kleb. ва *F.oxysporum* замбуруғларнинг ирқлари билан инокуляция қилиш асосида навлар, тизмалар, оилалар, дурагайларни вилтга мажмуавий бардошлилигининг генетик табиатини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала ва лаборатория тажрибалари умум қабул қилинган селекция ишлари ва агротехника услублари, адаптив генотипларни танлаш Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Амалий биокимё лабораториясида ишлаб чиқилган технология асосида оқсил ва ферментларни ПААГда электрофоретик таҳлил усуллари, ўсимликлар касаллигини ҳисобга олиш ҳар бир касаллик учун умум қабул қилинган услуби, маълумотларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспехов усулидан фойдаланилган. Тола сифати НVI ускунасида аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

NaCl лик селектив озукаларда ҳужайра селекцияси олиб борилиб, лабораторияда *in vitro* шароитида селекцион материални хлоридли шўрланишга чидамлилигини баҳолашнинг услуби ишлаб чиқилган;

эмбриокультура усули орқали амфидиплоидларни олиш схемаси ишлаб чиқилган;

ҳар хил хромосомали *G. hirsutum* L., *G. raimondii* Ulbr., *G. thurberi* Tod., *G. anomalum* Waw., *G. sturtii* F.Muell., *G. davidsonii* Kell., *G. harknessii* Brand. турлар орасида амфидиплоидлар ва уларнинг беккросс авлодлари *G. sturtii* F.Muell., *G. raimondii* Ulbr., *G. harknessii* Brand., *G. aridum* Skov., *G. triphyllum* Horsch. турлар иштирокида яратилган;

молекуляр маркерлар асосида, тезпишар, вилтга бардошли ва генотипик бир хил бўлган ғўзанинг оила ва тизмалари яратилган;

*V.dahliae* ва *F.oxysporum* вилт патогенларининг изолятлари билан ўсимликларни инокуляция қилиш асосида тезпишар, юқори ҳосилдор, вилт билан зарарланишга мажмуавий бардошли янги ғўза тизмалари яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

NaCl лик селектив озуканда ғўза ҳужайралар селекцияси олиб бориш натижасида лаборатория шароитида селекцион манбаларнинг шўрланишга чидамлигини аниқлаш услуби ҳамда ҳужайра селекциясини тадқиқ этиш натижасида олинган, илдизи қорайган ўсимталарни пробиркадан тупроққа ўтказиш усули ишлаб чиқилган;

тупроққа экишдан олдин 0,05-0,1 фоизли колхицин эритмасида 1-2 соатга ўсимталар илдизларининг ивитиш усулини қўллаш натижасида F<sub>1</sub>108-Ф (*G. hirsutum* L.) x *G. raimondii* Ulbr., F<sub>1</sub>108-Ф (*G. hirsutum* L.) x *G. sturtii* F.Muell гексаплоидли амфидиплоидлар олинган ва ғўзанинг маданий ҳамда ёввойи шакллари иштирокида амфидиплоидлар ва уларнинг беккросс авлодларини олиш услуби ишлаб чиқилган;

амфидиплоидларнинг беккросс авлодлари орасидан ўзида нафақат юқори вилтга бардошлиликни, балки серҳосил, тезпишар ва тола чиқими ҳамда сифати бўйича яхши кўрсаткичларни ўзида мужассамлаган энг қимматли шакллар аниқланиб, тизма ҳолатига етказилган;

молекуляр тестлардан фойдаланиш орқали ғўзанинг гомозигот

трангрессив оила ва тизмалар аниқланган;

Ўсимликларни инокуляция қилиш асосида *V.dahliae* Kleb. ва *F.oxysporum* патогенларига бардошли ғўзанинг янги оила ва тизмалари аниқланган ҳамда селекциянинг янги усулларини қўллаш асосида тезпишар, серҳосил, тола сифати юқори, вилт патогенларига мажмуавий бардошли, қимматли-хўжалик белгилар мажмуасига эга бўлган янги нав ва тизмалар яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** дала тажрибаларининг ҳар йилги апробациядан ўтказилганлиги ва бирламчи хужжатларнинг мавжудлиги; назарий ва амалий натижаларининг бир-бирига мослиги; илмий тадқиқотлар натижаларининг республика, халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси рўйхатидаги илмий нашрларда чоп этилиши; дала ва лаборатория тажрибалари натижасида олинган маълумотлар замонавий компьютер технологиялардан фойдаланган ҳолда статистик таҳлилдан ўтказилганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шўрга чидамли хужайра тизмалари ажратиб олинган ва лаборатория шароитида селекцион манбаларнинг тузга чидамлилигини аниқлаш услуби ишлаб чиқилганлиги, *in vitro* шароитида ғўзанинг етилмаган муртаклар экмаси ёрдамида олинган, пробиркада ўстирилган ўсимликларни ерга ўтказиш усули, ғўза амфидиплоидлари ва уларнинг беккросс авлодларини олиш схемаси ишлаб чиқилганлиги билан исботланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти биокимёвий маркерлар асосида, ғўзанинг тезпишар, вилтга бардошли ва генотипик нисбатан бир хил оилалар ва тизмалар яратилган, ўрганилган тизмалар, оилалар ва мураккаб беккросс дурагайларда вилтга бардошлилик, тезпишарлик ва морфобиологик белгилар бўйича бир хиллик аниқланган, тезпишар, *V.dahliae* ва *F.oxysporum* вилт патогенларига юқори бардошлилигига ҳамда қимматли-хўжалик белгилар мажмуасига эга бўлган тизмалар яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ғўза селекцияси ва уруғчилиги бўйича илмий-тадқиқотлар натижалари асосида:

қимматли-хўжалик белгилар мажмуасига эга бўлган Истиклол-14, Истиклол-13, Манғит-1, Манғит-2, С-2118, С-2119 ғўза навлари яратилган. Истиклол-14 ғўза нави 2013 йилдан Андижон вилояти бўйича истиқболли деб топилган ва 2016 йилдан ушбу вилоятга районлашган ва 680 гектар майдонга экилган. Ушбу нав 2016 йилда Сурхондарё вилояти бўйича Давлат реестрига истиқболли нав сифатида киритилиб жами 700 га ортиқ майдонга экилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 15.02.2017 й., 02/20-92-сон маълумотномаси). Бунда, Андижон вилоятининг Хўжаобод ва Улуғнор туманларидаги фермер хўжаликлари томонидан 2016 йилда Истиклол-14 ғўза навидан ҳар гектаридан ўртача 31,0-34,0 центнердан ҳосил олиниб, рентабеллик даражаси 16-20 % ташкил қилган;

Манғит-1 ғўза нави 2015 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Амударё

туманида 257 гектар майдонда экилди (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 15.02.2017 й., 02/20-92-сон маълумотномаси). Манғит-2 ва С-2119 навлари навдорлигини аниқлаш учун 2017 йилда грунтназоратига берилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 26 та, жумладан 17 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган, 1 та монография чоп этилган ва ғўза навларига 2 та патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 196 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мавзуси Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мослиги ёритилган, мавзу бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, диссертация изланишларининг илмий тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалар ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ва уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши келтирилган, ишнинг апробацияси ва натижаларининг чоп этилганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «Селекциянинг янги усуллари бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи» деб номланган биринчи бобида соматоклонал ўзгарувчанлик, соматик эмбриогенез, тўқима ва хужайралар *in vitro* экмаси, протопластлар қўшилиш йўли билан соматик хужайраларни дурагайлаш, ўсимлик хужайраларига генларни ўтказиш, хужайра даражасидаги мутагенез ва селекция каби биотехнологик усуллар баён этилган. Биотехнологиядаги тараққиёт кўп ҳолларда донли экинларда эришилгани, ғўзада эса унинг усуллари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги кўрсатилган. Селекциянинг усуллари билан бири бўлмиш полиплоидиянинг аҳамияти, турли усуллар билан амфидиплоидларни олиш тўғрисида маълумотлар берилган. Мавжуд навлар ва намуналар ўз генетик потенциалини деярли тугатишгани сабабли, селекция жараёнига янги генотипларни киритиш зарурияти долзарб муаммо ҳисобланиши таъкидланган. Шу муносабат билан ёввойи ва рудерал шаклларни ўрганиш, улардан бошланғич манба сифатида энг

истикболлиларини аниқлаш ва амалий селекцияда қўллаш бўйича чуқур изланишларни олиб бориш талаб этилиши кўрсатилган. Янги навларни яратишда ҳамда мавжуд навларнинг нав тозалигини сақлашда маркер тестларни қўллаш масалалари ёритиб берилган. Ушбу усул селекциянинг бошланғич босқичида у ёки бу белгиларни генетик даражасида аниқлаш ҳамда селекцион жараёнини икки-уч бараварга қисқартириш имконини беришлиги баён этилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотларни ўтказиш шароити, объектлари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни ўтказиш шароити, объекти ва услублари келтирилган бўлиб, унда изланишлар Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилганлиги баён этилган. Худуднинг метеорологик шароитлари кескин континентал иқлимга хос ва булутсиз об-ҳаво билан таърифланиб, қуёш нурларининг юқори жадаллиги ва ёғингарчилик миқдори камлигини (йиллига ўртача 360 мм, кўпинча куз-қиш-баҳор фаслларида ёғади) таъминлайди.

Хужайра селекциясини ўтказиш учун изланишлар объекти сифатда Сокер-312 америка ғўза нави ва маҳаллий С-4727 ва С-6524 навлари танланди. Беккросс дурагайларни олиш учун бошланғич манбалар сифатида дурагайлашга *G. tomentosum* ёввойи тури, Аcala sj-5 америка нави, Омад, Наманган-77, С-8284, С-6771, С-6530, С-8288 маҳаллий навлар ҳамда *G. hirsutum* L. турига мансуб яратилган ғўза тизмалари жалб этилган.

Хужайра селекцияси бўйича лаборатория тадқиқотлари ламинар боксинг асептик шароитларда ҳамда тебратгичларда факторостат хонада 16 соатлик 2000-3000 люкс ёруғлигида олиб борилди.

Адаптив генотипларни танлаш ишлари уруғлик материалда, олдиндан маркерланган белгилар бўйича олиб борилди. Маркерлар сифатида белгини намоён бўлиши билан тўғридан-тўғри ёки билвосита боғланган айрим оксиллар ва фермент системалар хизмат қилди. Таҳлиллар учун чигитларни микропиляр томонидан олинган муртак (генотип)ларининг жуда оз миқдорларидан фойдаланилган бўлиб, маркерли ферментларни аниқлаш учун улар биокимёвий таҳлиллардан ўтказилди. Биокимёвий сифатида ПААГдаги оксил ва ферментларни электрофоретик таҳлил усуллардан фойдаланилди.

*V.dahliae* Kleb. ва *F.oxysporum* изолятларига чидамлилигини аниқлаш учун шоналаш фазаси бошида моноспорали суспензия билан ўсимликнинг илдиз ўзагига инокуляция қилинди. Инокуляциядан кейин ғўзанинг баргларида касалликнинг намоён бўлиши борасида органолептик усулда кузатувлар олиб борилди.

Диссертациянинг «Ќўза хужайралари селекцияси» деб номланган учинчи бобида каллусогенез ва соматик эмбриодогенез ҳамда NaCl лик селектив озуда ўстирилаётган ғўза хужайраларининг биологияси келтирилган.

*Ќўзада каллусогенез ва соматик эмбриодогенез.*

Каллус хужайраларни олиш учун гипокотил қисмидан фойдаланилди ва у илдиз ўзагидан бошлаб то ўсимликнинг эпикотил қисмигача 5-8 мм узунликдаги бўлакчаларга бўлинди. Эксплантларни олишда барча гўза генотиплари учун бир хил шароитлар яратилди.

Изланишлар шуни кўрсатдики, МС озукасида цитокинин Дропнинг ҳам ўзи ҳам ауксинлар билан биргаликда ҳамда 2 мг/л НУК ва 1 мг/л кинетин фитогормонлари қўшилган вариантда маҳаллий ва америка навларининг гипокотилидан каллусогенезни индукцияланиши бўйича яхши натижалар олинди. Озуқада ушбу фитогормонлар концентрациясининг камайиши каллус хужайраларнинг ўсиш тезлигининг сусайтириши аниқланди.

Сокер-312 навида соматик эмбриоидогенезни олиш учун суспензион озукادا ўстиришнинг ораликлари узунроқ бўлган Trolinder N. схемасидан фойдаланилди. Сокер-312 навининг гипокотил қисми 6-8 мм узунликдаги бўлакчаларга кесилиб, Б-5 Гамборг бўйича витаминлар ҳамда 2,4-Д, кинетин ва НУК билан тўлдирилган МС озукасига экилди. Каллус хужайралар озукага 0,1 мг/л 2,4-Д ва 0,1 мг/л 2,4-Д + 0,1 мг/л НУК қўшилган вариантларида яхши индуцирланди.

Соматик эмбриоидларни олиш бўйича субкультуранинг иккинчи босқичи МС озукасида экзоген фитогормонлар иштирокисиз олиб борилди. Бунда каллус хужайралар яхши ўсди, турли шаклларга, гуваласимон тузилишга, оч жигаранг тусга эга бўлди, ўстиришнинг 10-12 кунидан бошлаб эса илдизча ва уруғкуртак баргларга дифференцирланмаган майда соматик эмбриоидлар (30-35 %) пайдо бўлди. Дифференциация пайтидан бошлаб 50 % дан ортиқ соматик эмбриоидларда уруғкуртакга ўхшаш барглар ва илдизча шаклланиши бошланди.

## 1-жадвал

### Соматик эмбриоидларни морфологик таснифи

Эмбриоидларнинг ривожланиш босқичлари	Оғирлиги, мг	Эмбриоидлар ўлчами					
		Узунлиги			Эни		
		Тебраниш чегараси, мм	Ўртача, мм	CV	Тебраниш чегараси, мм	Ўртача, мм	CV
1. Глобуляр	2,11	0,55-0,97	0,76±0,04	17	0,65-0,87	0,74±0,04	17
2. Юраксимон	5,43	1,20-1,74	1,62±0,07	20	0,91-1,24	1,14±0,06	19
3. Лотос	11,12	1,70-2,34	2,10±0,09	22	0,93-1,29	1,13±0,05	18
4. Ўқ аъзоларига дифференцирланган	19,70	2,50-4,20	3,10±0,01	23	1,62-2,12	1,94±0,09	22

Соматик эмбриоидларнинг мустақиллиги ўрганилганда уларнинг ҳар хил дифференциацияланиши кузатилди: турли ўлчамларга эга бўлган

глобуляр, юраксимон, тожсимон уруғкуртакга ўхшаш баргларга дифференцирланган (“лотос” деб номланган) ва уруғкуртак баргларга ва илдизчага дифференцирланган.

Изланишларимизда дифференцирланган соматик эмбриониднинг узунлиги 2,5 мм дан 4,2 мм гача бўлди. Шунда етилган эмбриониднинг оғирлиги ўртача 19,70 мг ни ташкил қилди (1-жадвал).

Торпеда кўринишида илдизча билан дўнгчасимон уруғкуртак баргларни шакллантирган эмбрионидлар сунъий озудада ўсишга ўтган. Лотос босқичидаги эмбрионидлардан олинган ўсимликлар бир ойдан кейин 1,2-1,8 см ўлчамга етган. Ўқ аъзоларига дифференцирланган эмбрионидлар гормонларсиз озудада ўсишга осонлик билан ўтган ва 30-35 кун ўстиришдан кейин тожсимон уруғкуртак баргларда яхши шаклланган барглар билан ўсимликнинг нормал эпикотил қисми ҳосил бўлди. Бир ой давомида ўстирилганда ўсимликлар 2,4-4,0 см катталиқка етган. Лекин, сунъий озудада ўсиш давомида илдизлар аста-секин қорайиб борган. Азизходжаев А.Р. фикрича бу, эҳтимол ғўза ўсимталарининг илдизларидан номаълум элементларни чиқариш ҳисобига озуда моддаларнинг таркибий қисмларининг оксидланиши билан боғлиқ. Изланишлар жараёнида қорайган илдизли ўсимликларни пробиркадан ерга ўтказиш услуби ишлаб чиқилди.


*NaCl* лик селектив озудада ўстириляётган ғўза ҳужайраларнинг биологияси.

NaCl нинг концентрацияси турлича бўлган (0,2 % дан 3,0 % гача) суспензион озудада каллус ҳужайралар ўстирилганда ҳужайраларнинг ташқи кўриниши ҳар хил бўлиб, шўрланиш концентрацияси кўпайган сари уларнинг миқдори камайиб борган. Ҳужайралар морфологияси ўрганилганда кўпинча овал шаклидагилар кузатилган (48-57 %). Озуда NaCl концентрациясининг кўпайиши эса ҳужайралар ривожланишини сусайтиради, оқибатда узунчоқ ҳужайралар сони аста-секин қисқариб, юмалоқларининг миқдори ошиб боради. Шўрланган озукalarda, 0,2 % NaCl лик озудадан ташқари, энг катта ҳужайралар кузатилмади.

Шунга ўхшаш кўриниш ҳужайралар ўлчами ўрганганилганда ҳам кузатилди, яъни озудада шўрнинг концентрацияси кўпайиши уларнинг ўлчамларига салбий таъсир кўрсатди. Бунда, деярли барча озукalarda кичик ўлчамли ҳужайралар сони бошқаларга нисбатан кўпроқ бўлди (3,0 % NaCl қўшилган озудадан ташқари). NaCl концентрацияси ортиши билан озудада жуда кичик ҳужайралар сони аста-секин кўпайиб борган. Бу ўрта ва катта ўлчамли ҳужайралар сонининг камайиши ҳисобига содир бўлди. Жуда катта ҳужайралар фақат 0,4 % гача NaCl қўшилган озукalarda учраган (1-расм).

Изланишлар озудада NaCl миқдори 3 % бўлганда ғўза каллус ҳужайралар билан селекцион ишларни олиб бориш мумкин эмаслигини кўрсатди. 1,0; 1,4 ва 2,0 % NaCl га бардошли ҳужайраларни фитогормонларсиз, витаминлар билан бойитилган МС агарли озукасига экилганда шўрланган шароитларда ўстирилган ушбу ҳужайралар NaCl сиз озудага ўтказилганда ўзининг нормал морфологик ҳолатига қайтиши

кузатилди.



1-расм. Турли ўлчамдаги хужайралар сони

Диссертациянинг «Селекциянинг ноанъанавий усуллар ёрдамида ғўза амфидиплоидларини олиш» деб номланган тўртинчи бобида селекциянинг ноанъанавий усулларида ғўза амфидиплоидларини олиш масалалари ёритилган. Изланишлар асосида, 0,05-0,1 % лик колхицин эритмаси билан 5-6 кун давомида 4-6 мартадан ўсимликлар ўсиш нуқтасини таъсир қилиш усули муваффақиятсиз деб топилиб, триплоидли дурагайларнинг полиплоидланган шохларини олишга эриша олмадик. Экзоген фитогормонлар ёрдамида олинган амфидиплоидларнинг чигитлари сувда ивителиб, 2 суткадан кейин ўсимталар 0,05-0,1 % лик колхицинли эритмаларига 12, 24, 30, 36, 48, 56, 68, 76 соатларда ўтказилди, сўнг эса қоғозли стаканчиклардаги тупроққа экилди ва 5-7 суткага йўғонлашган, калта гипокотилли ўсимталар олинди.

Ўрганилган вариантлар ичида тупроққа экишдан олдин фақат 0,05-0,1% лик колхицин эритмасида 1-2 соатга ўсимталар илдизчалари ивителинган вариантларида олинган ўсимликларни сақлаб қолишга эришилди. Ушбу йўл билан F<sub>1</sub>108-Ф (*G. hirsutum* L.) x *G. raimondii* Ulbr., F<sub>1</sub>108-Ф (*G. hirsutum* L.) x *G. sturtii* F.Muell гексаплоидли амфидиплоидлар олинди. Ушбу амфидиплоидлар С-6524 ва С-4727 навлари билан беккросс қилинганда нормал ривожланган кўсакларни сақлаб қолиш учун чанглангандан кейин 2 суткада муртақларга экзоген фитогормонлар ёрдамида таъсир этилди (2-жадвал).

Экзоген фитогормонларни қўллаб, *G. hirsutum* L. турига мансуб навлар билан амфидиплоидларни беккросс қилинганда аксарият чатиштирилган кўсаклар сақланиб қолиниши аниқланган. Ушбу кўсаклар эса, кўпинча шаклланган дурагай муртақларга эга. Улар 3-4 мм ўлчамдаги яхши дифференцирланган ўқли аъзоларга эга. Лекин, эндоспермнинг ривожланиши кузатилмади, шу сабабли ушбу муртақлар сунъий озудада *in vitro* шароитида

**Ғўза дурагай муртакларининг дифференциацияланишига  
фитогормонларнинг таъсири**

Дурагай комбинация	Вариант	Чатиштириш сони, дона	Сақланган кўсаклар сони, дона	Дифференцирланган муртаклар билан кўсаклар сони, дона	1 та кўсакдаги муртаклар сони, дона	
					тебраниш чега-раси	ўртача
C-6524 x F <sub>1</sub> C-6524 x <i>G. sturtii</i> F.Muell.	Назорат	109	4	-	-	-
	Тажриба	118	105	95	3-11	5
C-4727 x F <sub>1</sub> C-6524 x <i>G. sturtii</i> F.Muell.	Назорат	130	1	-	-	-
	Тажриба	172	147	139	2-9	5
C-6524 x F <sub>1</sub> 108-Ф x <i>G. raimondii</i> Ulbr.	Назорат	107	3	-	-	-
	Тажриба	139	87	81	3-7	5
C-4727 x F <sub>1</sub> 108-Ф x <i>G. raimondii</i> Ulbr.	Назорат	94	2	-	-	-
	Тажриба	111	90	79	4-8	5
C-6524 x <i>G. bickii</i> Prok.	Назорат	50	-	-	-	-
	Тажриба	85	76	-	-	-
C-6524 x <i>G. davidsonii</i> Kell.	Назорат	225	-	-	-	-
	Тажриба	195	154	136	1-6	3
C-4727 x <i>G. davidsonii</i> Kell.	Назорат	205	2	-	-	-
	Тажриба	218	188	160	1-6	3
C-6524 x <i>G. klotzschianum</i> Anderss	Назорат	110	3	-	-	-
	Тажриба	151	114	90	2-8	4
C-4727 x <i>G. klotzschianum</i> Anderss	Назорат	71	2	-	-	-
	Тажриба	90	87	69	2-6	5
C-6524 x <i>G. australe</i> F.Muell	Назорат	79	1	-	-	-
	Тажриба	97	78	1	1	1

*Изоҳ:* Тажриба – фитогормонлар билан таъсир этилган чангланишдан кейин 2 кунлик муртаклар; 5 устунда *G. hirsutum* L. x *G. davidsonii* дурагайлашидан олинган тўлик чигитлар.

ўстирилди ва F<sub>1</sub>BC<sub>1</sub> (C-6524 x F<sub>1</sub>108-Ф x *G. sturtii* F.Muell), F<sub>1</sub>BC<sub>1</sub> (C-4727 x F<sub>1</sub>108-Ф x *G. sturtii* F.Muell), F<sub>1</sub>BC<sub>1</sub> (C-6524 x F<sub>1</sub>108-Ф x *G. raimondii* Ulbr.)

амфидиплоидларининг гуллаган ўсимликлари олинди. Ушбу дурагайларнинг ўзидан чанглантирилган кўсақлари тўкилиб қолаверган, лекин, С-6524 ва С-4727 навлари билан қайта бекросс қилинганда аксарият мева элементлари сақланиб қолган.

Изланишлар жараёнида, экзоген фитогормонлар иштирокида амфидиплоидларни *G. hirsutum* L. турига мансуб навлар билан бекросс қилинганда чатиштирилган кўсақларнинг асосий қисми сақланиб, шаклланган дурагай муртакларга эга эканлиги аниқланган ҳамда ғўзанинг амфидиплоидлари ва уларнинг бекросс авлодларини олиш схемаси яратилиб, триплоидли амфидиплоидни: а) экзоген фитогормонлардан фойдаланиб; б) етилмаган муртакларни *in vitro* га экиш орқали; в) уруғлантирилган уруғкуртакларни *in vitro* га экиш орқали олиш мумкинлиги кўрсатилган.

Эмбриокультура усули билан гексаплоид амфидиплоидларни маданий турларга мансуб навлар билан биринчи марта бекросс қилинганда экзоген фитогормонлар ўқли аъзоларга дифференцирланган етилмаган муртакларни ҳосил бўлишига ёрдам бериши кўрсатилган. Бундай ҳодиса  $F_{14}G. hirsutum$  L. x *G. aridum* Skov.,  $F_1G. hirsutum$  L. x *G. raimondii* Ulbr.,  $F_1G. hirsutum$  L. x *G. sturtii* F.Muell. ва  $F_1G. hirsutum$  L. x *G. anomalum* Waw.,  $F_{12}G. hirsutum$  L. x *G. triphyllum* Hoch. амфидиплоидларини бекросс қилишда кузатилди. Ушбу амфидиплоидларнинг биринчи бекросс авлоди эмбриокультура усули орқали олинган бўлиб, иккинчи ва учинчи бекросс авлоди эса эркин чатиштириш йўли билан олинди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида вилт билан умумий даражада 2 % га касалланган  $F_1BC_4C-6524$  x  $F_1BC_3C-6524$  x  $F_1BC_2C-6524$  x  $F_1BC_1$  (108-Ф x  $F_{14} Deltapine-80$  x *G. aridum*) ва  $F_1BC_4$ Тошкент-6 x  $F_1BC_3$  Тошкент-6 x  $F_1BC_2C-6524$  x  $F_1BC_1$ 108-Ф x  $F_{12}(G. hirsutum$  x *G. triphyllum*) дурагай популяциялари ҳамда вилт билан умумий даражада 3 % га касалланган  $F_1BC_4$  Тошкент-6 x  $F_1BC_3$  С-6524 x  $F_1BC_2$  С-6524 x  $F_1BC_1$  (С-6524 x *G. sturtii*) дурагай популяцияси танлаб олинди.


Тезпишарлик бўйича  $F_1BC_4Б-1$  x  $F_1BC_3$ Тошкент-6 x  $F_1BC_2C-6524$  x  $F_1BC_1$ 108-Ф x  $F_{12}(G. hirsutum$  x *G. triphyllum*) ва  $F_1BC_4$ Тошкент-6 x  $F_1BC_3C-6524$  x  $F_1BC_2C-6524$  x  $F_1BC_1$ 108-Ф x  $F_{14}Deltapine-80$  x *G. aridum* дурагай комбинациялари ажралиб туриб, вегетация даври 105-112 кунга эга бўлишди.

$F_2BC_3C-9070$  x  $F_1BC_2C-6524$  x  $F_1BC_1$ 108-Ф x  $F_1C-6524$  x *G. sturtii* ва  $F_2BC_3C-6524$  x  $F_1BC_2(F_1BC_1$ 108-Ф x  $F_{14}Deltapine-80$  x *G. aridum*) x С-6524 дурагай комбинацияларида юқори тола чиқими (37,8-39,1 %) ва узунлиги (34,4-34,5 мм) кузатилган.

Диссертациянинг «Молекуляр маркерлар асосида ғўзанинг тизма ва оилаларни тезпишарлик, бир хиллик ва вилтга бардошлиликга баҳолаш» деб номланган бешинчи боби ғўзанинг оила ва тизмаларида асосий қимматли-хўжалик белгилар бўйича молекуляр маркерларни аниқлашга бағишланган. Генотипларни танлаб олиш уруғлик материал даражасида, олдиндан маркерланган белгилар бўйича олиб борилди. Чунки,

чигитлар ўсимликлар ривожланишининг фиксацияланган босқичи ҳисобланади ва бўлажак организмнинг барча белгиларига эга бўлади. Бундан ташқари, чигитлардаги оқсил ва ферментларнинг сифат тавсифлари ташқи омилларга боғлиқ эмас.

Маркерлар биологик, 1-чи ва 2-чи йилги селекцион ҳамда кўпайтириш кўчатзорларида аниқланган. Иккинчи расмдан кўриниб турибдики, биологик кўчатзорда тезпишарлик, бир хиллик ва вилтга чидамлилик бўйича тегишли равишда 79,2 %; 66,7 %; 83,3 % маркерлар аниқланган. Биринчи йилги селекцион кўчатзорда тезпишарлик бўйича ўрганилган барча тизмаларда, бир хиллик ва вилтга чидамлилик бўйича эса 75,0 % ва 91,7 % маркерлар аниқланган. Иккинчи йилги селекцион кўчатзорда барча тизмаларда тезпишарлик ва вилтга чидамлилик бўйича, 88,9 % тизмаларда эса бир хиллик бўйича маркерлар топилган. Кўпайтириш кўчатзорларида маркерлар мавжудлигини таҳлил қилганимизда ўрганилган тизмаларнинг барчасида юқорида кўрсатилган белгилар бўйича маркерлар кузатилди (2-расм). Бу эса, селекция ишларининг даражаси ошиб борган сари қимматли-хўжалик белгилар бўйича танлашнинг самараси юқори бўлишидан далолат беради.



**2-расм. Ўрганилган тизмаларда молекуляр маркерларни мавжудлиги, % (2015 й.)**

Изланишлар натижалари шуни кўрсатдики, биокимёвий маркерлар асосида селекцион ишларни олиб бориш селекцион манбанинг генетик бир хиллигини дастлабки авлодларда аниқлашда ёрдам беради. Бу эса, селекция ишларининг ҳажмини камайтиришга ҳамда ғўзанинг янги истикболли,

тезпишар, вилтга бардошли ва қимматли-хўжалик белгилар мажмуасига эга бўлган оила, тизма ва навларни яратишга имкон беради.

*V.dahliae* Kleb. ва *F.oxysporum* замбуруғлар патогенлари билан ўсимликлар инокуляция қилинганда ўрганилган тизмалар орасида *F.oxysporum* моноспорали изолятига энг бардошли Т-661, Т-554, Т-1460, Т-1306, Т-932/1018, Т-1384, Т-932 ва Т-459 тизмалари ҳамда 3-2013 оиласи бўлиб, ушбу патоген билан 25,0 % касалланди. Ўрганилган тизмалардан Т-1460 ва Т-149/987 *V.dahliae* патогени билан зарарланмаганлиги, Т-1384 ва Т-717 тизмалар эса 25 % гача касалланганлиги аниқланган. Қолган барча тизмалар ушбу патогенига ўта мойилликни кўрсатишган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Янги вирулент вилт популяцияларга тизмаларнинг чидамлилиги (2015 й.)

№	Тизмалар	<i>V.dahliae</i> , %		<i>F.oxysporum</i> , %	
		Фенотип бўйича	Поя кесими бўйича	Фенотип бўйича	Поя кесими бўйича
1.	5-2011	75,0	75,0	50,0	50,0
2.	3-2013	75,0	75,0	25,0	25,0
3.	Т-888	75,0	75,0	50,0	50,0
4.	Т-717	25,0	25,0	50,0	50,0
5.	Т-661	50,0	50,0	25,0	25,0
6.	Т-89	50,0	50,0	25,0	25,0
7.	Т-46	75,0	75,0	50,0	50,0
8.	Т-554	75,0	75,0	25,0	25,0
9.	Т-1309	50,0	50,0	50,0	50,0
10.	Т-1460	0,0	0,0	25,0	25,0
11.	Т-1306	50,0	50,0	25,0	25,0
12.	Т-932/1018	50,0	50,0	25,0	25,0
13.	Т-1384	25,0	25,0	25,0	25,0
14.	Т-2473	50,0	50,0	50,0	50,0
15.	Т-149/987	0,0	0,0	50,0	50,0
16.	Т-932	50,0	50,0	25,0	25,0
17.	Т-459	50,0	50,0	25,0	25,0

Натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ўрганилган барча вилт патогенларига (*V.dahliae* ва *F.oxysporum*) юқори бардошлилик Т-717, Т-661, Т-89, Т-1460, Т-1306, Т-932/1018, Т-1384, Т-149/987, Т-932 ва Т-459 тизмаларида аниқланган.

Диссертациянинг «Тадқиқотларнинг амалий натижалари» деб номланган олтинчи бобда илмий-тадқиқот ишларни олиб бориш натижасида яратилган ғўза нав ва тизмаларининг қимматли-хўжалик белгилари келтирилган. Жумладан, *G. hirsutum* L. турига мансуб Истиклол-13,

Истиклол-14, СУ-1001, Манғит-1, Манғит-2, С-2118, С-2119, С-2120 навлари ва бир қатор истикболли тизмалар яратилган.

Истиклол-13 ғўза нави синтетик селекция усули билан (Акала 1517 х С-4896) х (С-5617 х Тошкент-6) дурагай комбинациялари иштирокида ва кўп мартали якка танлаш қўлланилиб яратилган. Ўсимлик баландлиги 100-115 см, вилт сўлишига бардошли. Тезпишарлиги – 116-121 кун, толаси IV-типга мансуб, тола чиқиши 37-40 %, узунлиги 33,5-34,0 мм, нисбий узилиш кучи 28-29 гк/текс, ўртача узунлиги 1,17 дюйм, микронейр кўрсаткичи 4,2-4,4. Бир дона кўсақдаги пахта вазни оғирлиги 5,5-6,0 г., 1000 дона чигит вазни 116-122 г. Яхши агротехника қўлланилганда 40,0-46,0 ц/га ҳосил беради.

Истиклол-14 ғўза нави синтетик селекция усули билан (Акала 1517 х С-4896) х (С-5617 х Тошкент-6) мураккаб дурагайлаш ва кўп мартали якка танлаш усуллари кўллаб яратилган. Ўсимлик баландлиги 100-125 см, вилт сўлишига бардошли. Тезпишарлиги – 115-117 кун, толаси IV-типга мансуб, тола чиқими 37-38 %, узунлиги 34-35 мм, нисбий узилиш кучи 28-29 гк/текс, ўртача узунлиги 1,20 дюйм, микронейр кўрсаткичи 3,9-4,4. Бир дона кўсақдаги пахта вазни 6,0-6,4 г., 1000 дона чигит вазни 110-115 г. Яхши агротехника қўлланилганда 45,0 ц/га ҳосил беради.

СУ-1001 ғўза нави синтетик селекция усули билан мураккаб дурагайлашни кўллаб F<sub>4</sub> (Л-26 х Л-244) дурагай комбинациясидан ва 153 оиладан кўп мартали якка танлаш асосида яратилган. Ўсимлик баландлиги 115-125 см, вилт сўлишига бардошли. Тезпишарлиги – 116-118 кун, толаси IV-типга мансуб, тола чиқими 38-39 %, узунлиги 34-35 мм, нисбий узилиш кучи 30-32 гк/текс, ўртача узунлиги 1,15 дюйм, микронейр кўрсаткичи 4,3-4,5. Бир дона кўсақдаги пахта вазни 5,3-5,5 г., 1000 дона чигит вазни 108-110 г. Яхши агротехника қўлланилганда 44,0-45,0 ц/га ҳосил беради. 2012 йилда № NAP 00111-рақамли патент олинган.

Манғит-1 ғўза нави аналитик селекция усули билан Умид нави популяциясидан Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани шароитида кўп мартали якка танлаш асосида яратилган. Ўсимлик баландлиги 100-110 см, тупроқ шўрланишига ва вилт сўлишига бардошли. Тезпишарлиги – 115-117 кун, толаси V-типга мансуб, тола чиқими 36-38 %, узунлиги 33-34 мм, нисбий узилиш кучи 33,4 гк/текс, ўртача узунлиги 1,10 дюйм, микронейр кўрсаткичи 4,4-4,5. Бир дона кўсақдаги пахта вазни 5,7-6,0 г., 1000 дона чигит вазни 112-116 г. Яхши агротехника қўлланилганда 37,0-39,0 ц/га ҳосил беради. Ҳозирги кунда ДНС тармоқларида синалмоқда.

Манғит-2 ғўза нави аналитик селекция усули билан Истиклол-14 нави популяциясидан кўп мартали якка танлаш асосида яратилган. Ўсимлик баландлиги 100-125 см, тупроқ шўрланишига ва вилт сўлишига бардошли. Тезпишарлиги – 117-120 кун, толаси IV-типга мансуб, тола чиқими 37,0-37,5 %, узунлиги 34,5-35,0 мм, нисбий узилиш кучи 27,7-28,2 гк/текс, ўртача узунлиги 1,24 дюйм, микронейр кўрсаткичи 4,3. Бир дона кўсақдаги пахта вазни 5,7 г., 1000 дона чигит вазни 111-114 г. Яхши агротехника қўлланилганда 37,5-42,0 ц/га ҳосил беради.

C-2118 ғўза нави аналитик селекция усули Истиклол-14 нави популяциясидан кўп мартали якка танлаш асосида яратилган. Ўсимлик баландлиги 120-125 см, вилт сўлишига бардошли. Тезпишарлиги – 119-120 кун, толаси IV-типга мансуб, тола чиқими 33,0-35,0 %, узунлиги 36,0-37,0 мм, микронеёр кўрсаткичи 4,1. Бир дона кўсакдаги пахта вазни 6,0 г., 1000 дона чигит вазни 123-124 г. Яхши агротехника қўлланилганда 35,0-37,0 ц/га ҳосил беради.

C-2119 ғўза нави аналитик селекция усули билан Истиклол нави популяциясидан кўп мартали якка танлаш асосида яратилган. Ўсимлик баландлиги 100-125 см, вилт сўлишига бардошли. Тезпишарлиги – 120-121 кун, толаси IV-типга мансуб, тола чиқими 39,0-40,0 %, узунлиги 33,5-34,0 мм, нисбий узилиш кучи 32,2 гк/текс, ўртача узунлиги 1,23 дюйм, микронеёр кўрсаткичи 4,4-4,5. Бир дона кўсакдаги пахта вазни 5,6 г., 1000 дона чигит вазни 118-120 г. Яхши агротехника қўлланилганда 38,0-40,0 ц/га ҳосил беради.

## ХУЛОСАЛАР

1. Ўрганилган ғўза навларининг гипокотилидан ўстирилган каллус хужайралари ауксинларнинг концентрацияси паст бўлган Мурасиге-Скуга озукасида яхши индукцияланиши ва уларнинг кейинги субкультурасини фитогормонларсиз олиб бориш кераклиги аниқланган. Соматик эмбриоидогенезни унга қодир бўлган Coker-312 навида фақат суспензион озукка шароитларда икки марта олиб бориладиган субкультурада, кейинчалик фитогормонларсиз морфоген агарли озуккага ўтказиш билан эришиш мумкин. Сунъий озукда эса соматик эмбриоидлар тожсимон уруғпалла барг ва “лотос” босқичида, уларнинг тузилишида яхши ривожланган ўтказувчи тўқималар кузатилганда автоном ривожланишига ўтади.

2. Озукада NaCl нинг 1,0 % гача бўлган шўрли шароитда ғўза гипокотилидан каллусогенезни индукцияланиши мумкинлиги кўрсатилган. NaCl концентрациясининг кейинги ошиши гипокотиль тўқималаридан каллусогенезни сусайтиради. Суспензион шароитларда эса ғўза каллус хужайралар NaCl нинг нисбатан юқори концентрацияларига (2,0 % гача) бардош бера олади. Суспензион озукда NaCl концентрациясининг юқори бўлишига (1,4-2,0 %) қарамасдан ўзининг нормал морфологик тузилиши ва бўлинишига қобилиятини сақлаган айрим хужайралар учраб турди.

